



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 11 апрель, пайшанба, №40 (3386).

Жараён

ТОШҚИН ПАЙТИДА БУЗИЛГАН УЙЛАР ЖАДАЛ ТИКЛАНИШИ КЕРАК

Қанат Шарлапаев санатни ривожлантириш, геология, ер қаъридан фойдаланиш ва қурилиш соҳаларида амалга оширилган ишлар яқунлари ва келгуси давр режалари ҳақида ахборот берди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатнинг ишлаб чиқариш санатидида юксалиш 7,4 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда машинасозлик, металлургия, кимё, енгил санат каби тармоқларнинг ҳиссаси салмоқли.

Умумий қиймати 1,5 триллион тенгеге яқин 180та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада 17800та иш ўрни яратилади.

Утган йили 157 мингдан зиёд уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 172 мингдан зиёд уй-жой қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, ижарага бериладиган 22 мингта уй-жой барпо этиш учун давлатдан 300 мил-



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ
САНАТ ВА ҚУРИЛИШ ВАЗИРИ
ҚАНАТ ШАРЛАПАЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

лиард тенгедан зиёд маблағ ажратилди.

“Отбасы банк” орқали молиялаштириш ҳажми 300 миллиард тенгени ташкил этадиган дастур ишга туширилиб, 12 мингдан зиёд фуқарога ипотека кредити ажратилади.

Ер қаъридан фойдаланиш ҳу-

қуқи билан боғлиқ кимшошди савдоларини электрон шаклда ўтказиш учун E-Qazupakz рақамли платформаси ишга туширилди.

Ушбу ташаббус жараённинг шаффофлиги ва очиқлигини сезиларли даражада оширди.

Айни пайтда сув босган ҳудудларда янги уй-жойлар қуриш

учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг таннархини тасдиқлаш ишлари яқунланмоқда.

Қасим-Жўмарт Тўқаев табиий офат натижасида вайрон бўлган уйлари имкон қадар тезроқ тиклаш юзасидан топшириқлар берди.

Akorda.kz.

Фавқулодда вазият

ҚР Бош вазирининг биринчи ўринбосари Роман Скляр Шимолий Қозоғистон вилоятидаги сув босган қишлоқларнинг аҳолиси билан учрашди.

Сув тошқини ҳудудини кўздан кечириш чоғида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Роман Скляр Шимолий Қозоғистон вилояти, Тайинши туманидаги Красная Поляна қишлоғи аҳолиси билан учрашди.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари суҳбат чоғида селдан талафот кўрган барча фуқароларга моддий зарарнинг давлат томонидан тўлиқ қопланишини маълум қилди.

Сўнг Роман Скляр Шимолий Қозоғистон вилояти Заречный қишлоғидаги аҳвол билан танишиб, аҳолини зудлик билан эвакуация қилишни топширди.

ДАВЛАТ МОДДИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАЙДИ



Петропавл шаҳри ҳокими Сергей Мухамедиевнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу қишлоқда истиқомат қилувчи 239 одам хавфсиз жойга кўчирилди.

Роман Скляр сув тошқини хавфини камайтириш мақсадида махсус техника ёрдамида “Қизилжар сув” МЧБнинг тасарруфидаги тўғонни мустаҳкамлаш, иншоотни инерт материаллар ва ишчи кучи билан таъминлашни топширди.

Хизмат сафари яқунлари бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари йўл инфратузилмаси иншоотларининг сув тошқинига тайёрлигини кўздан кечириб, “ҚазАвтоЖол” ҳиссадорлик жамияти ҳудудий филиали директори А. Қабилдинга айланма йўлда туну-кун навбатчиликни ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди.

Primeminister.kz.

Ҳукумат



МАМЛАКАТДА “ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” ЭКОЛОГИК АКЦИЯСИ БОШЛАНДИ

Мамлакат ҳудудларида “Ёшлар имконият маркази” ва ёшлар ташкилотлари ташаббуси билан “Тоza Қозоғистон” республика экологик акцияси бошланди. Кенг қўламли экологик тадбир беш ҳафта давом этади, унинг ҳар бири муайян мавзуга бағишланади, дея хабар беради ҚР Маданият вазирлиги.

13 апрелга қадар давом этадиган биринчи ҳафталик “Тоza ўлка” деб номланади ва унинг давомида аҳоли, фаоллар, ташкилот ва корхоналар ходимлари томонидан туташ ҳудудлар ва ҳовлилар тозаланади.

20 апрелга қадар давом этадиган ҳафта “Муқаддас макон” деб номланади ва у тарих ва маданият ёдгорликлари ҳудудини ободонлаштиришга бағишланади.

27 апрелга қадар давом этадиган “Яшил ҳудуд” номли

ҳафталик дарахт кўчатлари ўтказиш ва уларни парвариш-лашга бағишланади.

4 майга қадар бўлган муддат “Ибратли авлод” деб номланади ва фахрийларнинг ҳовлилари ва қариялар уйлари ҳудудларини тозалаш ва ободонлаштиришга бағишланади.

“Шаффоф булоқ” деб номланган сўнги, бешинчи ҳафтада сув омборлари атрофи – дарё ва кўллар чиқиндилардан тозаланади.

24.kz.

Брифинг

ЛОЛА ВА ТЎРАНҒИЛ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА



“Қўриқхоналар намойиши” акциясининг очилиш маросими Ўтрор тумани Кўксарой аҳоли манзилида ўтади.

Бу табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган тадбирдир. Унинг доирасида “Боғлар нафаси” фотокўргазмаси, “Сирнинг кўрки – тўранғи” ҳудудларни тозалаш тадбири ва “Қозоғистон – лолалар ватани” акцияси уюштирилади.

Бу ҳақда “Сирдарё – Туркистон” давлат ҳудудий табиат боғи мутахассиси Жумабай Кўшербай маълум қилди.

– Қозоғистонда лоланинг 40га яқин тури мавжуд. Уларнинг ярмидан кўпи камёб ва йўқолиб ке-

тиш хавфи остида турган турлардир. Лоланинг ноёб тури узилса, 3000 ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичи миқдорда жарима солинади, – деди Жумабай Ускенбайули.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



МАНЗИЛЛАР ОБОД – КЎНГИЛЛАР МУНАВВАР

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев вилоят ва шаҳарлар ҳокимларига ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан қатор топшириқлар берди.

– Аҳоли манзилларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Тасдиқланган дастурлар асосида шаҳарларнинг кўча-йўл ва жамоат жойларини мажмуавий ривожлантиришни таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ободонлаштириш соҳасида давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклик дастакларини босқичма-босқич жорий қилиш ҳам муҳим, – деди у.

Бундан ташқари, Президент мутасадди ташкилотлар раҳбарларига йўлларни тартибга келтириш вазифасини ҳам юклади.

Қ. Тўқаев бу ишларга аҳоли ва кўнгилчиларни мунтазам жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент таъкидлаганидек, аҳоли манзиллари ва дам олиш масканларини сақлаш ҳам ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг яна бир самарали дастағи бўлади.

– Умуман олганда, туманлар раҳбарлари қишлоқ ва шаҳарларни муносиб ва жозибадор ҳолатда сақлаш маданиятини жорий этишлари керак, – деди у.

Akorda.kz.

БИРГА – КУЧЛИМИЗ!



Давлатнинг давлатлиги, халқнинг халқлиги оғир пайтларда билинади. Мамлакатимизнинг ўн та ҳудудда табиий-техноген офатлар юз берди. Шу муносабат билан Давлат раҳбари сув тошқини оқибатида юзага келган оғир вазият юзасидан Қозоғистон халқига мурожаат йўлади.

Президент таъкидлаганидек, табиий офат натижасида сўнги 80 йил ичида кузатилмаган тошқин юзага келди.

Президент тошқин оқибатларини бартараф этиш борасида Ҳукумат томонидан тадбирлар қуриллаётганини таъкидлаб, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига барча имкониятларни ишга солишни топширди.

Вазият ўта мураккаб бўлса-да, Қасим-Жўмарт Тўқаев тошқиндан талафот кўрган барча фуқароларга моддий зарарнинг давлат томонидан тўлиқ қопланишини, уларга молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди. Шу кунларда тошқин хавфи мавжуд ҳудудларда 9,95 мингдан зиёд ҚХА кўнгилчилари фаолият юритмоқда.

Минтақавий ҚХА вакиллари томонидан жабрланганларга 241 тонна озиқ-овқат ва энг зарур буюмлар жўнатилди. Шунингдек, 43та юк автомашиналарида (ўрта ва оғир юк автомобиллари ва бошқалар) инсонпарварлик ёрдами йўлланди, 24та махсус техника (экскаватор, “КамАЗ”, самосвал ва бошқалар) сафарбар этилди. Умумий ҳисобда 334,0 миллион тенгедан зиёд хайрия ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Давлат раҳбарининг фармойиши билан табиий офатга қарши кураш учун Мудофаа вазирлигининг кўшимча ҳарбий кучлари сафарбар этилмоқда.

Юз берган табиий офатлар эл-юртимизнинг иродасини синовдан ўтказмоқда. Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона энгиб ўтишимизга ишончим комил.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
ҚР Парламент Сенати депутаты.

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИКДА

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Ғарбий Қозоғистон вилоятига зудлик билан етиб бориб, вазиятни ўз назоратига олди. “Сизларга сабр тилаб, оғирликни зиммасизга оламит. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, деди Президент.

Шундай ҳам бўлди. Аввало, энг улкан оғирликни давлатимиз раҳбари ўз зиммасига олди. Талафот оқибатларини бартараф этиб, ҳаётни тиклаш ишларига бош-қош. Бу эса жабрдидаларга кучли дарда, мадад бўлмоқда. Бутун халқимиз бирлашди. Кимдир маблағи, кимдир меҳнати билан ёрдамга келди.

Президент халққа мурожаатида сув тошқинларидан хулоса чиқариб, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ олиш зарурлигини таъкидлади.

Шундай оғир дамларда бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, бирдамлигимизни намоеън этишимиз керак. Президентимизнинг бу даъватини вилоятимиз депутатлари ҳам қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатмоқда.

Ишончим комилки, бирлашсак, меҳрли бўлсак, қийинчиликларни энгиб, кўп ишларни амалга ошира оламит.

Нурали АБИШОВ,
Туркистон вилояти маслаҳати раиси.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

»» Обод манзиллар шуқуҳи



Туркистон шаҳрининг буюк ўтмишига уйғун замонавий қиёфасини яратишда янги бино ва иншоотлар қуриш билан бирга, ҳар бир туп дарахт ва гул кўчати экишга ҳам алоҳида масъулият, эътибор билан ёндошилмоқда. Янги ташкил этилаётган боғ ва хиёбонларга ҳам шаҳар иқлимга мос, атроф-муҳит мусаффолигини таъминловчи ва кишига завқ берадиган дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда.

Ушбу дарахтларни парваришlash борасида соҳа мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу эса ҳудудни туркистоннинг экотуристтик манзилларидан бирига айлантириб, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳларга бетақор

табиатимиз ва унинг турфа гўзалликларини кўрсатиш имкониятини беради. Ана шундай ёндашув туфайли шаҳардаги яшил майдонлар 35-40 минг квадрат метрга кенгайди. Эътиборлиси, бу ниҳоллар дастлаб хориждан келтирилган бўлса, бугун маҳаллий кўчатчилик ва гулчилик хўжаликларидега етиштирилмоқда.

Ҳаво мўътадиллиги ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда фаввораларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис, шаҳардаги боғ ва хиёбонлар, майдонларда ҳар йили замонавий фавворалар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу тадбирлар сўлим манзилларнинг тароватини оширмоқда.

ҲАР ГЎШАСИ БОҒУ БЎСТОН БЎЛАДИ

Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди ҳар бир мавзедда олиб борилаётган ишларни ўз вақтида тугатиш учун туман, шаҳар ҳокимларига аниқ топшириқлар бермоқда. Чунончи, ҳокимларнинг вазифаси фақатгина кўчат экиб, кўчаларни тозалаш эмас, балки туркистонликлар ҳордиқ чиқарадиган жойларни кўпайтиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир.

Чунончи, янги ўйин майдончалари, кулай йўлакчалар, автобекатлар пайдо бўлмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларини сифатли амалга ошириш масаласи вилоят ҳокимининг девон йиғилишида алоҳида муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди бу борадаги ишлар ҳали ўз даражасида тизимлаштирилмаганини таъкидлаб, масъулларга тегишли вазифалар юкланди.

– Иил давомида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Ҳар бир туман ва шаҳарда тозаланик масъул коммунал муассаса бўлиши шарт. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа муассасалар ўзлари жойлашган ҳудуднинг тозаллиги ва ободонлаштирилишига масъулият билан ёндашишлари керак. Ҳар бир тумани шўъба ва кўчаларга тақсимлаб, тозалашни давом эттиринг. Аҳоли ҳам ушбу тадбирларда иштирок этиши керак. Бу барчамиз учун умумий иш. Фаолият ва ишларнинг боришини тизимли йўлга қўйинг, – деди Дархан Сатибалди ва бир қанча туман ва шаҳар ҳокимларига алоҳида топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зул-

пихар Жўлдасовнинг таъкидлашича, Давлат раҳбарининг мазкур соҳадаги топшириқларини бажариш мақсадида 2024-2026 йилларда шаҳарларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича йўл харитаси тасдиқланган. “Йўл харитаси” ва вилоят ҳокими топшириқлари ижроси юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди.

2024 йил март ойида 3 шанбалик ташкил этилди. Уларда маҳаллий ҳокимликлар, барча давлат муассасалари, тадбиркорлик ташкилотлари, фаоллар ва кўнгилчилар иштирок этиб, белгиланган ҳудудларда тозалаш ишларини олиб боришиб, кўчат ўтқазилди. Хусусан, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан 201 минг тупдан зиёд кўчат ўтқазилиб, 31730 туп дарахт оқланди. Шанбаликларда 19 мингдан зиёд фуқаро иштирок этиб, 279та техника жалб қилинди, 2710 тонна чиқинди олиб чиқилди. 1152та кўча ва 265 чақирим пёдалар йўлаклари тозаланди. 275та истироҳат боғлари ва хиёбонлар, 192та болалар ва спорт майдончалари ташкил этилди. 95та кўприк, дарёлар, ариқлар ва булоқлар тозаланди, 897та кўп қаватли уй-жой биноси яқинидаги ҳудуд ва ҳовлилар тозаланди.

Аҳоли манзилларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини сақлаш мақсадида махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар таркибига туман, шаҳар ва қишлоқ ҳокимликлари ходимлари, фаол фуқаролар, жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди. Тозалик ишлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари юритилмоқда.

ХОНЛАР ВА БИЙЛАР РУҲИГА ҚУРЪОН ТИЛОВАТ ҚИЛИНДИ



Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий жоме масжидида мақбара атрофида дафн этилган хонлар ва бийлар руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилиниб, ифторлик берилди. Маънавият кечасида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди барчани кириб келаётган муборак Рамазон ҳайити билан табрикланди.

– Рамазон ўн икки ойнинг султони, муборак ва мағфиратли ойдир. Барча мусулмон уммати, аждодларимиз бу ойни интиқлик билан кутиб, ибодатларини кучайтирдилар. Юрт осойишталиги, бирлигини Аллоҳ таолодан сўради. Айни пайтда мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида сув тошқинларининг асоратларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан тадбирлар юритилмоқда. У ердаги биродарларимизга, юртдошларимизга омонлик тилайлик. Қийинчиликлар ортда қолсин.

Бугунги учрашувдан самарали фойдаланиб, саховатпеша, ҳамдард юртдошларимизни, тад-

син! Туркистон халқимиз учун ўзига хос мавқега эга. Муқаддас минтақага давлат раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туркистонни ривожлантиришни давом эттираимиз. Мустақиллигимиз бардавом, юртимиз омон, халқимиз тинч бўлсин! – деди вилоят раҳбари.

Тадбир Туркистон вилояти бош имом-хатиби Ержан Тўлеповнинг фотиҳаси билан бошланди. Кечада фахрийлар, дин пешволари, зиёлилар вакиллари ибратли суҳбатлар ўтқазилди, одоб-ахлоқ, инсоний бурч ҳақида фикр



биркорларни ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олишга, табиий офатлардан жабр кўрган узоқдаги биродарларимизга ёрдам беришга чорлайман. Муборак ойнинг сўнгги кунларида қилган дуо ва тилакларингиз қабул бўл-

юритди. Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Сайрам тумани бош имом-хатиби Аристан Ўспанов маъруза қилди.

Ушбу заминда 40дан зиёд дин ва маънавият намояндалари, 21 қозоқ хони, 8 султон, 20дан зиёд бийлар дафн этилган.



БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЧИЛИКНИНГ ҚИЗГИН ПАЛЛАСИ

Тўлебий туманида кенг қамровли ободончилик ишлари, қатор ижтимоий-маданий иншоотлар қурилиши олиб борилмоқда. Хуллас, қаерга борманг ҳамманинг тилида шу, Тўлебий туманидаги янгиланиш, бунёдкорлик ишлари аҳолининг Ватан равнақи, ҳаёт фаровонлиги, юрт келажаги буюклигига ишончини орттирмоқда.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби туманимизда ҳам аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туман шаҳар ва қишлоқларидаги аҳоли манзилларининг мезморий қиёфасини миллий анъана ва замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан яхшилаш, йўл-транспорт, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотларини замонавийлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, сув ва иссиқлик таъминоти тизимлари, электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш ва таъмирлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди туман уй-жой, коммунал хўжалик, йўловчи ташиш транспорти ва автомобиль йўллари бўлими бошлиғи М. Сатилдиев. – Туманимизда 2024-2026 йиллар давомида қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ 1-Мамир қишлоғидаги Қўнаев, Ушетай кўчалари ва Зертас қишлоғидаги Спатай, Андас, Шўмшақти Еламан кўчаларини ободонлаштириш учун туман бюджети ҳисобидан 30000 минг тенге ажратилган. Бу ишларни «Тур Проект Сервис» МЧБ амалга оширишга бел боғлаган. Жорий йилда Юқори Ақсу қишлоғида ҳам Маданий қишлоғининг С. Тлеу кўчасини ободонлаштиришга республика бюджетидан 243160 минг тенге ажратилган бўлса, вилоят бюджетидан 27020 минг тенге берилиб, бу маблағ тўлиқ ўзлаштирилди ва қурилиш ишлари поёнига етди. Бу ишларни «РСУ-1» МЧБ амалга оширди. Энди ҳомилар ёрдамида ушбу ҳудудда аквапарк ва мусиқали фавворалар, спорт майдончалари, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини

қуриш ва «Болалар боғи»ни ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу ҳудудда барпо этилаётган истироҳат боғида замонавий аттракционлардан ташқари, теннис корти, кичик стадион ва сузиш ҳавзалари ўрин олади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ шаҳардан қолишмайдиган бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ленгер шаҳридаги ўнлаб кўп қаватли уйлар атрофи кўкаламзорлаштирилди.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Шаҳарликларнинг норозилигига сабаб бўлаётган яна бир масала – 6-мавзеддаги йўлнинг икки четида оқва аригининг йўқлиги. Серёмғир йилларда сув уйларга хавф туғдиради.

Шу масалада туман ҳокими Тўлеген Телғараев, туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров Ленгер шаҳри, Бейбарс кўчаси аҳолиси билан учрашди (тасвирда).

Учрашувда аҳоли ёмғирли кунларда кўча бўйлаб оқаётган сув пёдаларга муаммо туғдираётганидан шикоят қилди. Шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар полигонига бораётган оғир юк машиналари асфальт йўлни ишдан чиқараётганидан хавотирда. Туман раҳбари пёдалар йўлаги, болалар майдончаси зарурлигини билдирган аҳолининг муаммоларини тинглаб, уларни ҳал этиш йўллари соҳа раҳбарлари билан биргаликда муҳокама қилди.

Йиғилишда туман ҳокими Тўлеген Туртайли аҳоли томонидан билдирилган таклифлар назоратга олиниб, долзарб муаммоларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқиши ва натижалари навбатдаги йиғилишда тақдим этилишини маълум қилди.

Шаҳарда аҳолини ичимли сув ва табиий газ билан таъминлаш даражасини янада яхшилаш мақсадида туманда 200 чақиримдан кўпроқ газ ва сув тармоқлари тортилди. Утган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларда техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Ленгер шаҳрида оптик толали алоқа тизими ўрнатилмоқда. Туманда ободончилик ишларининг қўламини кенгайтирмоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси ривожланиб, қўлаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Б. ДҮСМАТОВА.

ЎРДАБОШИДА 3 МИНГ ТУП КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Ўрдабоши туманида “Тоза Қозоғистон” акцияси доирасида умумхалқ шанбалиги ташкил этилди. Унинг доирасида 3 минг тупга яқин дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, дарахтлар оқланди, йўл бўйлари чиқиндидан тозаланди.

Шанбалик тадбирларида туман ҳокими Азат Уралбаев, туман маслаҳати раиси Бақдаулет Жумабеков, депутатлар, туман ҳокими ўринбосарлари, бошқарма ва коммунал муассасалар ходимлари, ёшлар, аҳоли, фаол фуқаролар иштирок этиб, махсус ажратилган майдонларга кўчатлар ўтқазилди.

Мазкур тадбир давомида туман ҳокими қатор кўчаларида бўлиб, тозаланик борасида амалга



оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – одамларни

эзгу ишларга чорлаш, атроф-муҳитни тоза сақлаш, экологик маданиятни шакллантириш эди.

»» ҚР Маслаҳатларига – 30 йил

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ



Бугун вилоят маслаҳати депутатлари Е. Хандиллаев, И. Намазбаева, С. Күшеновнинг эзгу ишларига тўхталамиз.

Депутат Е. Хандиллаев ҳам кўплаб хайрли ишларга бошқоқ бўлмоқда. Шу жумладан, у спортчи ёшларни кўллаб-қувватлаб, ўз маблағи ҳисобидан ҳомийлик қилмоқда. Депутат Туркистон шаҳридаги "Yassi gorod" жамоасини мусобақаларга юборишга ҳомийлик қилди. Бугунги кунда, мазкур жамоа республика беллашувларида иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритмоқда. Депутатнинг ҳомийлигида бу эзгу иш аънамага айланди.



Депутат И. Намазбаева Туркистон шаҳридаги "Шапағат" ҳамжамиятининг доимий ҳомийси. Ушбу муассасанинг марказий иморатини қуришга ҳомийлик қилган. Байрам тадбирида ушбу уйда таълим оладиган 100 нафар болага тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамиятининг аъзолари билан биргаликда "Болаларга бозорлик" акциясини уюштириб келади.

Туркистонлик 12 боласи бор, бошпанаси ёнғиндан зарар кўрган оилага зарур жиҳозлар ҳада қилиб, моддий ёрдам кўрсатди.

Халқ ноиб С. Күшенов ҳам хайрия ишларда фаол. У тилсиз ёвдан зарар кўрган 9 фарзанди бор оилага ўз ҳисобидан уч хонали уй ҳада қилди.

Бундан ташқари, у масжид қурилишига, таълим муассасаларини таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

Туркистон вилоят маслаҳати.

»» Хотира

САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВНИ ХОТИРЛАБ...

(ТУРКИСТОН ШАҲРИДАГИ ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБНИНГ 105 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНГАН КУНДАГИ ЎЙЛАРИМ)

Бир қариндошимиз бўларди, Умирбой деган. Болалигимизда бизга ўзининг ўтмиши ҳақида кўп воқеаларни гапириб берарди, лекин биз уни охиригача тингламай, ўйинга берилиб кетардик. У пайтлар қишлоқда яшардик. Бобомиз Носирбой бойнинг қўлида хизматкор бўлгани, ҳалол ишлагани учун бой унга кўп яхшиликлар қилгани ҳақида айтганлари эсимда. Кейинчалик бобомиз Қориз қишлоғига кўчиб кетди, биз шаҳарга келдик.


Йиллар ўтиб, мен Саидносир Миржалиловнинг ҳаёти билан қизиқа бошлаганимда, бобомнинг ёши 90дан ошиб оламдан ўтган эди. 1993 йилда кенжа ўғлим дунёга келиб, исмини Саидносир деб қўйдик. 1998 йили мактабнинг 80 йиллигига бағишлаб, мактаб тарихи ҳақида китобча ёздик. Архивдан олинган жуда кўп ҳужжатлар билан танишиш имкони бўлди. Лекин Саидносирбой ҳақида Зарифа опанинг ёзган «Ойбегим mening» китоби асқотди. У пайтда Зарифа опанинг ўзи ҳам оламдан ўтганди. Ўзбек аёлларидан чиққан биринчи кимёгар оlima, биринчи профессор аёл Туркистондан эканлигидан мағрурланганимиз.

Бой ҳақида билолмаганларим, ёшлиқ қилиб Зарифа опанинг ёнгинамизда юрганини кўролмаганларим менга армон бўлди. Мактабнинг 105 йиллиги арафасида Саидносир ўғлимнинг қизига Зарифа деб исм қўйдик. Саидносир Миржалиловга, қизлари Зарифа Саидносировага ҳурматим, бу тарихий шахсларнинг исмлари кўп йиллар билганларга уларни эслаб турсин, дедик.

Бундан 100 йил муқаддам Саидносирбойнинг боши узра қора булутлар айланиб юрган, бир аср аввал Зарифа 15 ёшли қизалоқ европача кийиниб юрганлиги учун тоғаларидан дакки еб, йиғлаган пайтлар экан. Орадан кўп ўтмай, улар бир туннинг ичида бутун мол-мулкларини ташлаб, Тошкентга кетишга мажбур бўлишган. Тантана бўлаётган кунлар мени мана шу ўйлар тарқ этмади.

Ёш бўлишига қарамай, шундай катта тадбирни уюштириб, кўҳна мактабга асос солган Саидносир Миржалилов тимсолини жонлартира олган мактаб директори Дилбар Дийметовага мактаб жамоасига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тамара ҚУДРЕТОВА, нафақадаги муаллима.



Қозоғистонда тезкор ва профилактик тадбир – «Мигрант» яқунланди, деб хабар берди Polisia.kz.

Беш кун ичида ушбу тадбир ёрдамида 10 мингдан зиёд миграция қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари аниқланди. 4475 нафар чет эл фуқароси жавобгарликка тортилди, жумладан: 2118 фуқаро ноқонуний ишлагани учун, 613 иш берувчи хорижий меҳнат кучидан ноқонуний фойдалангани учун, 2624 жисмоний ва ҳуқуқий шахс чет элликлар ҳақида полицияга ўз вақтида хабар бермагани учун.

Икки давлат фуқаролигига эгаллик тўғрисидаги тўққизта ҳолат аниқланди, 113 хориж фуқаросининг яшаш учун рухсатномаси бекор қилинди. Миграция қонунчилигини бузганларни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида 850 суд қарори чиқарилди. 121 нафар чет эл фуқароси мамлакатдан мажбуран чиқариб юборилди. Уларга беш йил давомида Қозоғистонга кириш тақиқланди. Қидирувда бўлган 37 хориж фуқароси ҳибсга олинди.

МИЛЛИАРДЛАГАН ЎҒИРЛИКЛАР

138та банк карталари турли мақсадларга, шубҳали тўловларга ишлатилган.

Краудфандинг – бу лойиҳалар, ташаббуслар ва стартапларни молиялаштириш учун ишлатиладиган пул йиғишнинг инновациявий усули.

660 мингдан зиёд қозоғистонлик ўз пуллари сохта ёрдам учун жўнатган. Бу ҳақда жиноятчиликдан тушган даромадларни қонунийлаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин қуролларини тарқатишнинг олдини олиш бўйича идоралараро Кенгашининг йиғилишида маълум бўлди. Йиғилиш Д. Малахов раислигида ҚР Молиявий мониторинг агентлигида ўтди, дея хабар беради ҚР ММА матбуот хизмати.

Таъкидлашчи, йиғилган тўловлар миқдори 6 млрд. тенгени ташкил этган, шундан 33 фоизи (2 млрд. тенге) фарибгарлик аломатларига эга.

Ижтимоий тармоқларда жамоавий маблағ йиғишнинг бевосита таҳдидлари ва кейинчалик улардан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳоллари аниқланган.

Д. Малаховнинг айтишича, ноинсоф фуқаролар «даволяниш» ва «камба-



галларга ёрдам бериш» учун хайрия фаолияти ниқоби остида эркин ва назоратсиз пул йиққанлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Ёвуз ниятли фарибгарлар ушбу маблағни кўчмас мулк харидига, букмекер идораларига ва хорижда қиммат уйлари ижарага олишга сарфлашган.

Шу тариқа, яхши ниятли инсонларнинг пуллари фарибгарлар учун осон даромад топиш йўлига айланган.

Т. КОРЕЦКАЯ.

»» Эътироф

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Юртимизнинг шимолий вилоятларида юз берган сув тошқинидан хабар топиб, дили оғриманган одам қолмагандир.

Бизнинг ота-оналаримиз, бобо-бувиларимизнинг иродали бўлгани, Ватани, оиласи, халқига садоқатли, меҳр-оқибатли бўлганларини эшитиб, китобларда ўқиганмиз. Шимоллик биродарларимизнинг бошига оғир кун тушганида халқимизнинг халқпарварлиги яна бир бор яққол намён бўлди. Буни интернетдаги ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган хабарларда эшитиб турибмиз.

Шу ўринда бир машҳур ривоятга эътиборингизни қаратмоқчиман. Узоқ йўл босиб келаётган мусофир ўзининг пойфазали эскириб кетганидан нолиб, ўз-ўзига "шунақа ҳам ночор одам бўламанми?" дея ҳолининг забунлигидан афсусланди. Шаҳар кўриниб, дарвозага яқинлашар экан, дарвоза тагида инсонлардан бирор нарса беришларини тиланиб ўтирган тиланчига кўзи тушди. Не кўз билан кўрсинки, тиланчининг икки оёғи ҳам йўқ эди. Бу ҳолини кўрган мусофир: "Мен-ку, пойфазалим йўқлиги учун ношукрлик қилиман, оёқларим йўқ бўлса нима қила олардим, мендан ҳам ночорроқ одамлар бор экан-да", деб шукроналик йўлини тутди.

Бу воқеа гарчи аввалги замонларда бўлган эса-да, ҳозирги пайтда ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган. Зеро, бирор нарсага етиша олмаган одам, аввало, ўзидаги мавжуд нарсаларга назар солмоғи, бориға шукр қилмоғи лозим.

Яна бир ҳолат бор-ки, бирор дард туфайли тўшакка михланиб қолган одамлар ҳам борлигини ҳам кўрамин. Бу ҳиссиёт бизни шукр қилишга ундайди. "Соғлик – инсонлар бошидаги тож бўлиб, уни фақат ва фақат соғлигини йўқотган инсонлар кўра оладилар". Яна, баъзида ишларимиз юришмаётганлиги, қилаётган ишларимизда зафар ёр бўлмаётгани ҳақида нолиймиз. Шундай пайтларда биздан ҳам ҳоли ночор, аммо, шукр қилиб, ҳаёт кечираётган, тўкин дастурхон олдида ўтириб, турли неъматлар ичида яна нималарнингдир бўлишини хоҳлаган пайтимизда соддагина ҳаёт кечириб, тани соғ, хотиржамлиги-

ни барча неъматлардан устун кўядиган инсонлар ҳам мавжудлигини эслашимиз лозим.

Жаннатмонанд юртимизда тинчлик-омонлик, хотиржамлик ҳукм сураётгани буюк неъмат бўлиб, юртимиз тинчлигининг қадрига етишимиз учун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ибрат назари билан боқмоғимиз зарур. Ана шулардан хулоса қилиб, турли низолар, ҳар хил тушунмовчиликлар, элзизла, сув тошқини, ёнғин каби офатлар рўй бермаслиги учун, шукр қилиб яшашимиз керак.

Ўтказмоқда. Энди ўйланг: шундай мураккаб бир шароитда юртимизда тўкинчилик. Бу нимадан? Аввало Аллоҳнинг бизга марҳамати ва Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона ислохотлар самараси бу. Буларни мана шу меҳнаткаш халқ яратган ва яратмоқда. Бу гапларда муболага йўқ. Агар заррача шубҳангиз бўлса, бозорга боринг, ўз кўзингиз билан кўриб яна бир бор кўнглингизда шукроналик туйғусини туясиз.

Дунё воқеаларини синчиклаб кузатайлик, турли можаролар, низолар, келишмовчиликлар, қонли тўқнашувлар, муаммолар илдизига назар солайлик. Бу юртимизда яшаётган, ўзини шу Ватанга дахлдор деб билган ҳар бир инсон қалбида шукроналик туйғусини уйғотиши, овоз ва обод юртимизга муҳаббат ҳиссини янада мустаҳкамлаши мукаррар.

Аллоҳ таоло ўзининг каломи Қуръонда марҳамат қиладики: "Агар биз берган неъматларга шукр қилсангиз – янада зиёда қилурмиз..."

Аллоҳ таоло ҳаммамизни бу берилган неъматларга шукроналик ҳисси билан яшашни насиб этиб, ушбу неъматларини янада зиёда қилаверсин. Бу жонажон Ватанимизда, хусусан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган ободончилик, улкан бунёдкорлик ишларига ҳавас ва ифтихор билан қарайлик. Ушбу ишлар замирида юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари ётибди. Барчамиз юрт равнақи йўлидаги ишларга имкон қадар ҳисса қўшайлик. Шукроналик ва эртанги кунга ишонч ҳаётимизнинг шиорига айлансин. Ахир 1933 йилдаги очарчиликни сабр-тоқат билан енгган халқимиз. Гафур Фуломнинг "Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ", деб бошланадиган шеърини ҳам унутмадик. Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсин, йигитларимиз соғ-омон, хавфу хатар ҳам йўқ.

Мақоламин буюқ файласуф ҳамюртимиз Абу Носир ал Форобийнинг қуйидаги фикри билан яқунлайман: "Инсон учун соғлик керак, мол-дунё эса топилади. Қуш учун ҳаёт керак, дон эса топилади. Инсон тирик бўлса, дили равшандир, бош омон бўлса, орзу яқиндир".

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.



»» Хотира

НУРМАХАН ОҒАНИНГ НУРЛИ ХОТИРАСИ

табдан сўнг Қизилўрда шаҳридаги педагогика институтини қоқоқ тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича тамомлади. Мактабда ўқитувчи, директор, маданият уйи раҳбари, шаҳар партия, ижроия қўмиталарида бўлим мудири, шунингдек, "Ҳазрат Султон" музей кўриқхонаси, С. Ерубаев, Н. Тўреқулов музейлари директори бўлиб ишлади.

Тарихий дошқозон Туркистонга қайтариб келтирилмишида Н. Назаров "Ҳазрат Султон" мақбарасида жойлашган музей директори сифатида бу ишга ҳисса қўшган. Мустақиллик йилларида академик Раҳманқул Бердибай илмий асарларида қайд этилган, Туркистонда туғилиб, Ўзбекистонда халқ

озодлиги курашида қаҳрамонларча иштирок этган Телхўжа ботир ҳақида илмий китоб ёзган. Хива, Урганч шаҳарларига махсус илмий-тадқиқот делегацияси таркибида ХҚТУ олимлари, зиёлилар бирга борган эдик.

Давлат ва жамоат арбоби Назир Тўреқуловнинг ҳаётини ўрганиб, илмий мақолалар ёзган. Туркистонда музей очилишига камарбаста бўлган. Утган асрда ёзган шеърларида Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти даражасига етишини орзу қилган гоғилари мужассам эди. Шоирнинг орзулари амалга ошди. Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси тадбирларида фаол қатнашган, шоир, ёзувчи ва дои-

мий обуначиларимиз Эрназар Рўзиматов, Долимжон Сайфуллаев, Қодир Аҳмедов, Эркин Қолимбетов, Дониш Маннотов, Ирискул Аббосов, Хусан Убайдуллаевлар билан бирга адиб Қулбек Ергўбек ташкил этган туркий халқлар кутубхонасида ўтган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этган. Қоқоқ ва ўзбек халқлари адабиёти, адабий дўстлиги хусусида ёзган шеърлари газета саҳифаларида чоп этилган.

Газетамизга берган мусоҳабаларида доимий обуначиларимиз Тўлқун Саидмуродов, Обиддин Фахриддиновлар тақлиф этган мавзу – Туркистон шаҳрида Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини бунёд эттирган соҳибқирон Амир Темурга ҳамда шеърят мулкчининг султони Алишер Навоийга ёдгорлик ўрнатиш гоғисини қизғин кўллаб-қувватлаган эди.

Нурмахан Назаровнинг охираати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Тўйхат ўрнида

ЭЛ КОРИГА
КАМАРБАСТА
ТАДБИРКОР

Биз ука-сингиллари қадрдон акамиз Нажмиддин Исмоилов (тасвирда)ни таваллуд айёми ҳамда фахрий ҳордиққа чиқиши муносабати билан муборакбод этиб, соғлиқ-саломатлик, келгуси ишларида омад тилаймиз.



Умр йўлдоши Сауле Укибай қизи билан Алмати шаҳрида шифокорлик, устозлик ва тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган қочиб фарзандлар Юлдуз, Дилноза, Бахтиёрларни тарбиялаб ширин-шакар неваралар кўрган Нажмиддин оғамизга омад ёр бўлсин. Алмати меъморчилик институтини тамомлаган, Туркистондаги собик, "Коммунизм" жамоа хўжалигида муҳандис сифатида самарали меҳнат қилган Нажмиддин акамиз падари бузрукворимиз Ғайрат Асомиддин ўғлининг барча яхши хислатларини ўзида мужассам этганлиги билан биз учун қадрлидир.

Эл бирлиги, фаровонлиги йўлида ҳимматли ҳомиийлиги билан танилган, кўпчилиққа яхшилик

улашни мақсад тутган акамиз билан фахрланамиз. Волидаи-муҳтарамамиз соғлиқни сақлаш соҳаси меҳнат фахрийси Тамара Жалол қизи, барчамиз, хусусан, тўнғич фарзанди Нажмиддин акамизга зғуликларни тилаймиз. Акамизнинг таваллуд айёми Алмати, Тошкент ва Туркистон шаҳарларида истикомат қилаётган Исмоиловлар сулоласи вакиллари – Низомиддин, Нуриддин, Нарғиза, Салоҳиддин, Аҳлиддинлар учун муштарак тантанадир.

Салоҳиддин ҒАЙРАТ ўғли.
Туркистон шаҳри.

Суратда: Нажмиддин Ғайрат ўғли оила даврасида.

Бүгун тилакларимиз бисёр

Ўтаверар умр қарвони,
Оралайди сочимизга оқ.
Саралайди йилларимизни,
Ҳаёт деган берувчи сабоқ.

1984 йил 18 апрель куни Турбат қишлоғида меҳнатқаш оилада фарзанд дунёга келди. У дунёга келганида ўринбой ота ҳамда Муҳаббатхон онанинг қувончи чексиз эди. Унга Абдуллажон деб исм қўйишди. Абдулла бобоси Саъдулла ака сингари хушчақчақ ва эл-юрт хизматидаги инсон бўлиб етишди. Унинг ҳаёт йўли меҳнатда ўтди ва у бундан фахрланади. Мактабни тамомлаб, тадбиркорлик билан шуғулланди. Юлдузхон билан оила курди. Яратган уларга фарзандлари – Бекзод ва Тоҳир, Фотима-Зухраларни ато этди. Ўғиллари ўзига, қизлари эса Юлдузхон каби меҳнатқаш



ва саранжом-саришталиги билан эйтиборга лойиқ. Абдуллажон ва Юлдузхон бахтли оила сохиблари.

Абдуллажон ҳозирги кунда ўз йўлини толган ажойиб инсон. Маана, бугун у 40 баҳорнинг остонасида. Биз, дўстларининг тилакларини бисёр. Ҳақиқат эл ардоғидаги табаррук инсон бўлиб юришининг, фарзандларинг камолини кўришининг тилаб қоламиз.

Дўстим остонанга бахтлар боғлансин,
Ажиб саодатлар пойласин йўлига.
Бугун дилларимиз шуни тилайди.
Осмонларга етсин, узатсанг қўлинг.

Табрик билдирувчилар синфдош дўстлари.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи, тезкорлик қобилиятини ривожлантириш ва имкониятларга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтиришда устозларнинг ёрдам қўлини чўзиши, уларни ёрқин келажакка етаклаши энг масъулиятли вазифалардан.

Бугунги кунда стол теннисига барча ривожланган давлатлар, шунингдек, республикамизда ҳам эътибор юксак

даражада. Бу ўйин ёш авлоднинг маънавиёт, жисмонан баркамол инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамиятга



эга. Теннис ўйини орқали инсон соғлиги мустаҳкамланиб, юрак-қон томирлари фаолиятини меъёрлаштирилади. Вазни бирдек ушлаб туради, суякларини мустаҳкамлайди. Бу ўйин барча ёшдаги инсонлар учун фойдали ҳамда қизиқарлидир. Хитойда бу ўйин тури дарслиққа киритилган. Стол теннис билан шуғулланган боланинг ақли тез ривожланади, чаққонлик, эпчиллик қобилияти шаклланади.

Мактабимизда 2008-2009 йилги ўқувчилар ўртасида стол теннис тўғрисида ташкил этилган, қизлар ҳам ўғил болалар ҳам шуғулланишади. Спорт ҳар бир одамнинг соғлиги учун фойдали ҳамда самарали ҳисобланади. Мусобақаларда юксак даражага эришадиган ўқувчилардан Адхамбой Ҳасанов, Азизбек Умурзоқов, Зайнаб Нажмиддинова, Шаҳноза Нурниёзова, Бекзод Абдуразақовлар 2008-2009 йилги 8-9 синф ўқувчилари 12-сонли Рустемов номли ва 100-сонли мактабларга бориб, яхши натижаларни кўлга киритишган.

Собиржон МАВЛОНОВ,
89-сонли «Қайнарбулоқ»
умумтаълим мактабининг
жисмоний тарбия
фани устози.
Сайрам тумани.

»» Маориф



Қуйида 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган илм даргоҳининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида суҳбат эълон қилинмоқда.

– Суҳбатимизни мактаб юбилейига тайёргарликдан бошласак...

– Тарихга назар ташласак, мактабнинг эски биноси 2004 йили хашар йўли билан барпо этилган. Бугунги кунда ушбу бинода 75-сонли мактаб фаолият юритмоқда. 2017 йили жамоамиз билан янгидан барпо этилган 600 ўринли бинога кўчиб ўтдик.

Ўтган қисқа давр ичида жамоанинг эришган ютуқлари залворли. Дарҳақиқат, мактаб фақат илм берадиган жойгина эмас, балки тарбия, одоб-ахлоқ, ҳунар ўчоғидир. У шунингдек, мулоқот, тажриба алмашиш, ўз-ўзини ривожлантириш, юксалиш, юқори чўққиларни забт этиш, янги дастурлар асосида билим эгаллаш масканидир. Ўзига хос тарихга эга «Далабозор» мактабининг 20 ёшини жорий йили сентябрь ойида нишонлашни режалаштирганмиз. Ушбу кўтлуг санани муносиб қарши олиш борасида тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Илм – ўқиш, ўрганиш, узлуксиз изланишни талаб қиладиган жараён. Илм-фан тараққиёти ҳаётнинг ҳамма томонларини қамрайди. Янгиланган билим дастури дунё миқёсидаги янгилликларни фанга киритишни, устозлардан ҳозиржавобликни, замон билан ҳамнафас яшашни талаб қилмоқда.

– Жамоада қандай қадриятлар биринчи ўринга қўйилган? Танқидга муносабатингиз қандай?

– Жамоамизда «Катталар – иззатда, кичиклар хизматда» деган тартиб-таомилга амал қи-

Муроджон Сайдалиев:

“ТАЪЛИМ – УЗЛУКСИЗ
ИЗЛАНИШ...”

Бизнинг маълумот: Муроджон Аҳмадқул ўғли (тасвирда) 1978 йили 12 мартда Қорабулоқ қишлоғида таваллуд толган. У М. Аюезов номидаги ЖҚДУнинг “Жисмоний тарбия ва спорт” факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Шимкент шаҳридаги футболдан вилоят олимпиада захирачиси болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган мактабиде бошлаб, сўнг Қорабулоқ қишлоғидаги Д. Қўнаев номи мактабда давом эттирди. 2004 йилдан “Далабозор” мактабиде фаолият юритмоқда. 2019 йили мактаб директори вазифасига тайинланди. М. Сайдалиев ҚР Таълим ва фан вазирлигининг, вилоят таълим бошқармаси ҳамда туман таълим бўлимининг фахрий ёрликлари ва ташаккурномалари, шунингдек, “Қўрметли ўстаз» кўкрак нишони билан тақдирланган.

ламиз. Шунингдек, жамоада эркак ва аёлнинг ўз ўрни бўлиши керак, деган фикр тарафдориман. Адолатпарвар, топшириқларга масъулият билан ёндашиш, озодаликни таъминлаш, ўзаро ҳурмат, самимийлик, хушмуомалалик каби хислатларни биринчи ўринга қўяман. Иш бор жойда, албатта, танқид ҳам бор. Танқид бирон камчилиқни эътироф этибгина қўймай, уни ҳал қилиш йўллари кўрсатса, самарали бўлади. Муаммолар ечимини қонун асосида, жумладан, инсоний фазилатларни ҳисобга олган ҳолда топишга ҳаракат қиламан.

– Муваффақиятли бошқарувчи қандай муҳим фазилатларга эга бўлиши лозим?

– Бугунги кундаги раҳбар нафақат касб эгаси, балки, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан касбдошларининг ишончини қозониши, юксак заковат ва тафаккур соҳиби, узоқни кўра олувчи, доимо янгилликка интилувчи, замон билан ҳамқадам яшовчи, қатъиятли, изланувчан, дунёқарши кенг, адолатпарвар, масъулиятли, жамоа шаъни ва обрўсини уйлайдиган, жоиз бўлса, ҳамкасбаларини ҳимоя қила олувчи шахс бўлиши керак. Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай, деган гап бежиз айтилмаган.

– Иш жараёнида ота-оналарнинг фикри қандай ўрин эгаллайди?

– Таълим-тарбия ишларини ташкил этишда мактаб жамоаси ота-оналар билан ҳамнафас. Устозлар ва ота-оналар орасида узвий алоқа ўрна-

тилган. Билимни устоз, тарбияни ота-она беради. Икки томон ҳамкорлиқда иш юритса, натижа самарали бўлади. Ўқувчининг салбий ва ижобий томонларини таҳлил қилиш натижада камчиликлар бартараф этилади, яхши фазилатлар шаклланади. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнига, қўланилаётган услублар, ўтказилаётган тадбир ва йигинлар ҳақида ҳар бир ота-онанинг фикри муҳим. Ушбу эзгу ишлар ота-оналар билан ҳамкорлиқда олиб боришмоқда.

– Синфдан ташқари қандай ишлар олиб боришмоқда?

– Мактабимизнинг спорт йўналишидаги ютуқлари залворли. Нафақат спорт соҳасида, шунингдек, таълим соҳасида ҳам юқори натижаларга эришадиган ўқитувчи ва ўқувчиларимиз йўқ эмас. Жумладан, мактабимизнинг баскетболчи қизлари жамоаси 4 йилдан буён республика даражасида ғолиблик шохсупасида. “Баҳс” клубини ташкил этган ўқувчимиз Лайло Гавҳарбекова бугунги кунда ўқув марказида таълим бермоқда. Мактабимизда фаолият юритувчи турли тўғрақларда ўз касбининг етук мутахассислари шуғулланишмоқда.

– Муроджон Аҳмадқул ўғли, суҳбат учун ташаккур! Жамоангизга ва сизга келгусидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

М. САЙДИҒАНИЕВА ва
З. МУМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.
Сайрам тумани.

БИР ҚАРВОН ЎТАДИ –
УМР ҚАРВОНИ

Ленгер шаҳридаги 3-сонли шахар кутубхонасида “Маънавият ойлиги” доирасида таниқли ижодкор Абдимуталип Қўнисбаев билан ижодий учрашув ўтди. Адабий кечада ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда шоирнинг ижодини доимий равишда кузатиб бораётган мухлислари иштирок этди.

Кечани очган Ўринбасар Суттибай сўзга чиқиб, шоирнинг ҳаёти ва ижод йўлига тўхталар экан, унинг халқимиз

маънавияти, бой ўтмиши ва она Ватанимиз табиати, унга меҳр-муҳаббати ҳамда давлатимизнинг ёрқин истиқболга ишончи бадиий ифодаланган шеърлари хусусида фикр юритди.

А. Қўнисбаев моҳир таржимон ҳамдир. У унлаб хоризлик шоирларнинг ижодидан намуналарни қозоқ тилига маҳорат билан ўғирган. Ўз навбатида, унинг шеърлари ҳам турк, рус, қирғиз ва кўплаб бошқа тилларга таржима қилинган. Учрашувда адиб ўзининг

тўплаган катта ҳаётий тажрибалари ҳамда эгаллаган илмларини талаба-ёшлар билан ўртоқлашар экан, нафақат шеърятда, балки қатор соҳаларда ҳам юқори марраларга эришиш мумкинлигини қайд этди ва “Бир қарвон ўтади – умр қарвони” номли шеърини ўқиб берди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар ижодкор ҳаёти ва ижодига муваффақият тилашиб, эсдалик совғаларини топширишди.

С. МИРЗО.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхан БҮРҒОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саерон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Ғўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулкеш – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкеш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун иррадиациялар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фодаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY00022503 уювчоғима берилган.

«ERNUR» МББ Босма хонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алмиқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Бўғормак: 867.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОВА.